



ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

ДИДАКТИК ЛОЙИХАЛАШ – ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

Махмудов Мэлс Ҳасанович
педагогика фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети

Аннотация. Мақолада таълим самарадорлигини оширишда дидактик лойиҳалашнинг ўрни ва аҳамияти уни амалга ошириш босқичлари ҳамда режалаштиришга технологик ёндашув тўғрисида фикр юритилган.

Калим сўзлар: инновацион таълим, дидактик лойиҳалаш, мақсад, фаолият, технологик ёндашув.

ДИДАКТИЧЕСКИЙ ПРОЕКТИРОВАНИИ - ГАРАНТИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ

Махмудов Мэлс Ҳасанович
доктор педагогических наук, профессор кафедры теории начального образования,
Бухарский государственный университет

Аннотация. В данной статье рассматриваются роль и значение дидактического дизайна в повышении эффективности обучения, а также этапы его реализации и технологический подход к планированию.

Ключевые слова: инновационное образование, дидактический дизайн, цель, деятельность, технологический подход.

DIDACTIC DESIGN IS A GUARANTEE OF EFFICIENCY IN MODERN EDUCATION

Mahmudov Mels Khasanovich
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor,
Department of Theory of Primary Education, Bukhara State University

Annotation. The following article deals with the role and importance of didactic design in improving the effectiveness of education, as well as the stages of its implementation and the technological approach to planning.

Keywords: innovative education, didactic design, purpose, activity, technological approach.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиши йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги гояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишини бугундан бошлийдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлишимиз керак

Мирзиёев Ш.М.



XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уғқлар очиш билан, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Педагоглардан, бугунги мураккаб замонда ёшларга замон руҳида таълим бериш билан бир қаторда, башариятнинг, Ватанимиз ва халқимизнинг эртанги қунини ўйлаб, ёшларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенглиқка даъват этишга қаратилган тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириши талаб этилади. Инсон ақли борасида Шарқда қарор топган қарашларга кўра, ақл икки хил, яъни табиий ва қасбий бўлади. Табиий ақл инсонга туғма инъом этилади. Қасбий ақл эса ўқиши, илм олиши ва тажриба туфайли орттирилади. Қасбий ақлни шакллантиришдек шарафли ва мashaqatli вазифа айнан педагоглар зиммасига юқлатилгандир. Абдула Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” китобидаги “Тарбиянинг замони” бобида шундай жумлалар бор. “Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур, қайда қилинур?-деган савол келадур. Бу саволга “биринчи-уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи - мактаб ва мадраса тарбияси, бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур”, деб жавоб берсак”. Айнан ана шу мактаб ва мадраса тарбиясини аввал ҳам, ҳозир ҳам муаллим-педагоглар амалга ошириб келишган. Шуни қониқиши билан айтиш мумкинки, замонавий таълим тизимининг жорий этилиши бугунги кунда ижобий натижалар бермоқда. Эндиги, биз педагогларнинг вазифаси замонавий техник таъминотга эга таълим муассасаларида талаблар даражасида инновацион таълим технологиялари асосида ёшларимизга таълим-тарбия беришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир педагог ўз устида мукаммал ишлаши, замондан орқада қолмаслиги, ўқитишнинг инновацион технологияларини пухта билиши ва ўз фаолиятида жорий этиши зарур. Ҳозирги кунда эски анъанавий услубдаги дарслар ёшларимиз эҳтиёжини қондирмайди, улар бундай дарсларни тинглагиси келмайди. Чунки, фикрлаш ва тафаккур бошқа, айнан бирор фан бўйича билимга эга бўлиш бошқа. Фикрлаш ва тафаккур табиий ақл маҳсули, билим олиш эса – бу таълим муассаси, педагог фаолияти маҳсули. Ёшларимизни фикрлаши ва тафаккури бундан 15-20 йил аввалги ёшларга нисбатан анча баланд ва тезdir. Агар педагог ёшлар билан ҳамнафас фикрламаса, замон янгиликларига ва талабларига ёшларданда тез бўлмаса, унинг таълим – тарбия соҳасидаги фаолияти самарасиз бўлиб қолади. Шу сабабли, ушбу мақолада замонавий таълим технологияларининг айrim бошланғич жиҳатлари, интерактив ўқитиш усувлари, уларни машғулот давомида қўллаш йўллари, замонавий маърузалар, ривожлантирувчи таълим технологиялари, масофавий ва корпоратив таълим технологиялари, масофавий таълимнинг дидактик асослари тўғрисида маълумотлар қисқа баён этилган.

Юқоридаги фикрлар асосида лойиҳа тушунчаси, лойиҳалашнинг моҳияти, вазифалари, турлари ва воситалари ҳамда лойиҳалаш фаолияти мазмуни ҳамда тузилишига аниқлик киритилди.

“Лойиҳа” тушунчаси бирор ғоя, ўйланган режаларни амалда ишлаб чиқиш демакдир. Унинг асосий маъноси сифатида истиқболдаги педагогик жараённинг яхлит образи ёки бирор маҳсулотни тайёрлашдаги ташкилий ва амалийи шлар ҳам тушунилади. Ўқув-тарбиявий ишлар, масалан, математика фани ҳафталиги, спорт байрамлари, “Кичик мактаблар” фаолияти кабиларни маълум ўналишда вамавзуда ташкил этишга ҳам лойиҳалаш деб қараш мумкин. Бироқ бунда лойиҳалаш усулига риоя қилиш зарур бўлади.

Лойиҳалаш усули – дидактик мақсадга эришишда муаммоларни топиш, аниқлаш ва уларни ишлаб чиқиш технологиясидир. Лойиҳалаш фаолияти – талабалар билан ишлашни



ташкиллаштиришнинг энг оммабоп шакли. Ўқув машғулоти лойиҳаларини эса кенгайтирилган технологик харита кўринишида изоҳлаш мумкин.

Педагогик лойиҳалашни 6 босқичга кўра гуруҳлаштириш мумкин. Бугунги кунда лойиҳалаш жамиятнинг барча соҳаларига кириб бормоқда: атрофни ўраб турган барча нарсалар онгли лойиҳалаш фаолияти маҳсулни ҳисобланади. Лойиҳалашнинг тез ривожланиши, касбий фаолиятнинг асосий тури деб ҳисобланиши унинг терминологияси ривожланишига олиб келди.

Дастлаб лойиҳалашни қўллаш, асосан, моддий ишлаб чиқариш, қурилиш, архитектура соҳаси ҳисобланган. Кейинчалик, XX аср ўрталарида, техник лойиҳалашдан социотехник лойиҳалашга, техник-технологик ваиктисодий омиллар қаторида турувчи, яъни ижтимоий, психологик ва инсоний омилларга ўтиш амалга оширила бошлаган. Бугунги кунда лойиҳалаш таълим соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. Замонавий таълимда ҳар бир машғулот, хусусан, математика фанларини ўқитиш жараёнини олдиндан режалаштириш ва лойиҳалаштириш муҳим ҳисобланиб, лойиҳалар тузиш технологик ёндашувни тақозоэтади.

Ўқув жараёнини лойиҳалашга бўлажак ижтимоий-гуманитар лойиҳалашнинг тури сифатида қаралади. Унда қуидагилар назарда тутилади:

1. Ижтимоий лойиҳалашда техник объектларни лойиҳалашдагидек аниқлик бўлмаслиги мумкин.

2. Ижтимоий лойиҳалар ижтимоий ташкиллантириш ўзгарувчанлигини акс эттиради, чунки улар амалиётга киришидан олдин эскириб қолиши инобатга олиниши керак.

3. Ижтимоий лойиҳаларнинг сифати ким томонидан ва қандай амалга оширилишига боғлиқ.

Шунингдек, техник ва ижтимоий техник лойиҳалашда туғилган ғоя ва ёндашувлардан педагогик лойиҳалашда ҳам муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Лойиҳалашнинг мазмунни нимадан иборат, деган савол туғилиши табиий. Рус тили луғатларида лойиҳалаш (проектирование)га “проект” сўзининг маъноларидан бири бўйича “харакат маъноси” деб изоҳ берилади. “Проект” – бирор нарсанинг иншооти, қурилиши тайёрланиши ёки реконструкция қилиниши бўйича ишлаб чиқилган режа.

“Лойиҳа” (проект) сўзининг асосий маъноси сифатида лойиҳалаш фаолияти, келажакдаги педагогик жараён ёки объектнинг яхлит образи тушунилади. Бироқ бу сўзнинг яна бир нечта маъноси мавжуд бўлиб, улардан қайси бирининг ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга дахлдорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Шу боис, қуида бу сўз маънолари таҳлилга тортилди:

1. Лойиҳа – лойиҳалаштирилган фаолият натижаси. 2. Лойиҳа – одамларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиш шакли. Ишда ҳар икки маънога таянилди. Лойиҳалаштиришнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган белгиси келажак билан ишлаш маъносини ўзида акс эттиришdir. Бир томондан шу нарса англашиладики, лойиҳалашга келажакдаги ишга алоқаси бўлган ҳамма нарса хос ва, аввало, бу ноаниқлик ва башоратнинг юқори даражасидир. Иккинчи томондан, лойиҳалаш – келажак билан ишлашнинг ягона варианти эмас, бу ерда яна режалаштириш, моделлаштириш, программалаштириш ва башорат қилиш ҳам бор.

Педагогик жараён ва объектларни лойиҳалаштириш барча тушунчалар ва фаолият кўринишлари билан қандай муносабатда бўлади?

XXI асрга келиб фан-технология ривожланиши натижасида ахборотлар оқими ортиб бормоқда. Бу эса меҳнат ва хизматлар бозорида фаолият юритаётган ҳар бир ходимдан билимларини қисқа вақт ичида янгилаш, кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш, ўз вақтида шахсий камолот ва касбий фаолияти учун зарур бўлган жиҳатларни ўзлаштириб боришни

тақозо этади. Акс ҳолда қайси касб әгаси бўлишидан қатъий назар, у ўзининг меҳнат ва хизматлар бозоридаги ўрнини йўқотиб қўйиши мумкин.

Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилардан замонавий педагогик технология тамойиллари асосида ўкув жараёнини режалаштириш ва лойиҳаларини босқичма-босқич равишдатузиб чиқиши талаб этилади.

Педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ этиш талаби ҳамюқоридаги ислоҳотлар давоми ҳисобланади. Бунга эришмасдан туриб, биринчидан, таълимни самараали амалга оширишнинг имконияти йўқ, иккинчидан, меҳнат ва хизматлар бозоридаги рақобатга бардош бера оладиган кадрларни тайёрлаш мақсадига эришиб бўлмайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, педагогик технология кечакиши буғун пайдо бўлган воқелик эмас. Бинобарин, ҳар бир тарихий даврнинг ўз педагогик технологияси бўлган, улар инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжлари ошиб боргани сари ривожланиб борган.

Ҳақиқатан ҳам, инсониятда маданият пайдо бўлган даврдан бошлаб технологиялар яратилган бўлиб, маънавий ва иқтисодий эҳтиёжлар сабабли мукаммалашиб борди. Умуман, технологияларни икки турга ажратиш мумкин:

1. Саноат технологиялари.
2. Ижтимоий технологиялар.

Таълим самарадорлигини юқори даражага кўтариш муаммосига бевосита янгича технологик нуқтаи назардан ёндашув XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди ва 50-йилларга келиб таълим жараёнини ўзига хос “технологик” усулда ташкил этиш ҳаракати вужудга келди. Натижада педагогик технологиянинг назарий ва амалий асослари яратилди.

Юқоридаги фикрлар асосида таълим-тарбия жараёнига технологик ёндашувнинг вужудга келиши ва ривожланиш даврини шартли равишда қўйидаги Зта босқичга ажратиб қараш мумкин:

1. Ўқитувчи. Бу даврда талаба таълим жараёни обьекти бўлиб, у учун билимлар манбаи фақатгина ўқитувчининг ўзибўлган.
2. Ўқитувчи, дарслик ва ўкув қўлланмалар. Бу даврда ҳам талаба таълим жараёнининг обьекти ҳисобланиб, унинг учун ўқитувчидан ташқари дарслик ва ўкув қўлланмалар билим манбаи бўлиб хизматқилган.
3. Ўқитувчи ва талаба, улар учун турли таълим воситалари, ўргатувчи машиналар, дастурланган таълим (таълим самарадорлигини оширишга доир: муаммоли таълим технологияси, модули таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси каби ёндашувлар) ўкув жараёнини амалга оширишга хизмат қилиб, бунда ўқитувчи ва талаба субъектхисобланади.

Хозирги кунда ҳар бир ўкув фани бўйича технологиялар ишлаб чиқиши таълим жараёнини ташкил қилиш мақсадига эришишда алоҳида ўринутуди. Барча ўкув фанлари қатори математика фанлари бўйича таълим технологияларини қўйидагиларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ:

1. Таълим технологиясини ишлаб чиқиши қоидаларини аниқлаш.
2. Таълим мақсадини белгилаш, яъни ўкув фанининг тузилиши ва мазмунини аниқлаш.
3. Ўкув ахборотининг ҳажми ва мураккаблигини аниқлаш.

Замонавий таълимда ҳар бир ўкув машғулотини олдиндан режалаштириш ва лойиҳалаштириш муҳим ҳисобланиб, уни амалга оширишда қўйидаги қоидаларга (замонавий таълим технологиясини ишлаб чиқишида ўқитувчи фаолиятининг кетма-кетлиги) амал қилиш талаб этилади:



- таълим жараёнини режалаштириш; таълим жараёнини лойиҳалаштириш;
- талабалар билан ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш босқичларини аниқлаш;
- таълим жараёнининг ташкилий-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш.

Замонавий таълимда ҳар бир ўқув машғулотини режалаштириш ва лойиҳалаштиришда таълим технологияси модели мухим ўрин тутади. Режалаштириш, яъни истиқболдаги исталаётган моделни яратиш – лойиҳалаштириш билан қиёсланганда бу жузъийроқ тушунча ҳисобланади.

Кутилаётган натижаларга эришиш мақсадида ўқитувчи томонидан жараёнга тайёргарлик кўриш, яъни таълим шакллари, воситалари, методлари, технологияларини олдиндан тўғри танлаш юзасидан тўла тасаввурга эга бўлиш жараёни – ўқув машғулотини режалаштириш деб юритилиб, у қуйидаги босқичларни ўз ичигаолади:

бутун таълим даври; ўқув йили; семестрлар (чораклар бўйича); ойлик; ҳафталик; кунлик ва бир соатлик назарий ёки амалий ўқув машғулоти бўйича.

Таълим жараёнини олдиндан режалаштириш эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таълим мақсадаларини аниқлаш, яъни “Нима учун ўқитилади?” деган савол ҳақида олдиндан тўлиқ тасаввурга эга бўлиши;
- ўрганиладиган назарий ёки амалий материал мазмуни, яъни “Нима ўрганилади?” деган саволга олдиндан жавоб бера олиши;
- режалаштирилган таълим мазмунини етарли даражада эгаллаш орқали таълим мақсадларига эришиш учун таълим методларини танлаш, яъни “Қандай ўқитиш керак?”лиги ҳақида тасаввурларга эга бўлиши;
- таълим мақсадларига эришишда керак бўладиган таълим воситалари, яъни “Нима ёрдамида ўқитиш зарур” эканлиги ҳақида тасаввурларга эга бўлиши;
- таълим мақсадларига эришишни таъминлашни ташкил этиш, яъни “Қандай амалга ошириш мақсадга мувофиқ?”лиги ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши;
- таълим жараённида эришилган натижалар, яъни олдиндан белгиланган мақсадларга эришилдими ёки йўқми – уни аниқлаш бўйича тўла тассавурларга эга бўлишлари талаб этилади.

“Лойиҳа” сўзининг асосий маъноси – истиқболдаги педагогик жараённинг яхлит образи. Лойиҳалаштириш, яъни истиқболдаги исталаётган моделни яратиш шундай тушунчаки, бу режалаштириш билан қиёсланганда жузъийроқ ҳисобланади. Лекин бу сўзларни қўллашда маълум фарқ мавжуд. Режалаштиришда гап қиёсланаётган нарса ҳақида бораётган бўлса, унинг мухим томонларива ўзгаришлариназардатутилмаса, ухолда жорий фаолиятни режалаштиришда катта ҳажмдаги бунёдкор, ижодий иш ҳақида борганда, кўпинча “loyiҳalashchiриш” термини ишлатилади. Шунинг учун ҳам режалаштиришга лойиҳалаштириш босқичи деб қараш мумкин. Лекин бу ҳолда бу тушунчалар ўртасидаги муносабатни аниқлаб бўлмай қолади. Лойиҳалаштириш ва башорат қилиш бу бир хил тушунча эмас. Агар башорат келажакда нима содир бўлиши мумкинлигини билдиrsa, лойиҳалаш эса “Нима қандай бўлиши керак?” деган саволга жавоб бўлади.

Лойиҳалаш тушунчасига моделлаштиришнинг синоними деб қараш мумкин, лекин лойиҳалашга маҳсус ташкил этилган инсон фаолиятисифатида қаралганда, моделлаштириш, ўта мухим бўлса-да, лойиҳалашнинг бир қисми деб ҳисобланади.

Ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузишда, унинг мақсадини олдиндан тўғри белгилаш мухим ўринтулади.

Мақсад – олдиндан белгиланган натижага эришиш маҳсули бўлиб, у таълим жараённида



унинг субъектлари (ўқитувчи ва талаба)нинг биргаликдаги фаолияти якунида режалаштирилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг олдиндан кафолатланишидир.

Таълим мақсадини белгилаш – бу таълим жараёнини технологиялаштиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб, у таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва таълим жараёнини самарали ташкил этишда асосий ўрин тутади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, таълим жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаштириш асосида ўкув машғулотларини лойиҳалаштириш ҳамда ўкув жараёнини ташкил этиш сифат-самарадорликни кафолатлади.

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Маъмуроев Баҳодир Баҳшуллоевич
педагогика фанлари доктори, профессор,
Бухоро давлат университети

Аннотация. Мақолада акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашнинг педагогик шарт-шароитлари, ўналишлари ҳамда амалга ошириш босқичлари хусусида фикр юритилган. Акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга қаратилган педагогик фаолият ўзининг дидактик ҳамда психологик хусусиятларига эга бўлиб, мазкур хусусиятларни аниқлаш орқали ўқитувчи касбий фаолиятини сифатжихатдан тақомиллаштириш имконияти вужудга келади. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ўқитувчининг касбий вазифаларига кириб, бўлажак педагогларни бундай жараёнга тайёрлаш учун уларни назарий жиҳатдан қуроллантириш муҳимлиги таҳлилларимиз натижасида исботланган.

Калим сўзлар: лойиҳалаш, акмеологик ёндашув, ривожлантириш, баҳолаш, назорат қилиш, шароит, ўналиш.

РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ АКМЕОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

Мамуров Баҳодир Баҳшуллоевич
доктор педагогических наук, профессор,
Бухарский Государственный университет

Аннотация. В статье рассматриваются педагогические условия, направления и этапы реализации проектирования образовательного процесса на основе акмеологического подхода. Педагогическая деятельность, направленная на построение образовательного процесса на основе акмеологического подхода, имеет свои дидактические и психологические особенности, выявление которых дает возможность качественно повысить профессиональную деятельность учителей. Наш анализ показал, что планирование образовательного процесса является частью профессиональных обязанностей учителя, и важность теоретической подготовки будущих учителей к такому процессу.

Ключевые слова: проектирование, акмеологический подход, разработка, оценка, контроль, условия, направление.